

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzf.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 26 июнь • № 25 (644)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ ДОИРАСИДА

2009 йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Соғлиқни сақлаш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиннинг долзарб вазифалари” тўғрисидаги ахбороти шитилди.

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони бу борада мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Соҳада бошланган ислохотлар кўламини кенгайтириш ва улар самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бошқа бир қатор ҳужжатлар бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, айтиш жоизки, бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда. Хусусан, тизимда мамлакатимиз аҳолисини юқумли, вирусли ва ўта хавfli инфекциялардан асраш, соғлом-аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар самарадорлигини ошириш ҳамда беморларга тегишли ҳажмдаги малакали тиббий

хизмат кўрсатиш каби қатор йўналишларда изчил ишлар амалга оширилган.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, қонунларда белгилаб қўйилганлигига қарамастан, мазкур соҳанинг хусусий секторида тиббий ҳужжатларнинг юритилиши, тегишли статистик маълумотларнинг ҳудудий статистика бўлиmlарига тавсия қилиниши борасида ҳали-ҳануз муаммолар борлиги қайд этилди. Қолаверса, даволаш ишларига маъсуллик билан қаралмай, беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Тадбирда муҳожама этилган масалалар, билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

Эътироф

ЭРКИН СЎЗ, ХОЛИСЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК МЕЗОНИДА


Давлат ва жамият, ижтимоий ҳаётимизнинг реал ва ҳолислик тамойилларига асосланиши, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, умуман фуқаролик жамиятини қуриш жараёни оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ҳамда фаоллиги билан бевосита боғлиқ.

Ҳар йили юртимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Аввало, мазкур санада давлатимиз раҳбарининг ҳар йили юртимиз журналистларига йўлаган байрам табриги барчамизга илҳомий куч бағишлаб, зиммамиздаги маъсуляти қанчалик юқори эканлигини ёдга солади. Оммавий ахборот воситаларини халқро андозалар даражасига кўтариш, уларга молиявий мустақиллик бериш, касб маҳоратини ошириш, ахборотнинг ҳаққоний ва холислигини таъминлаш каби устувор вазифалар эса бу жараёнларнинг нақадар тезкор ва ишончлигини кафолатлайди. Чунки, оммавий ахборот воситалари давлат билан

жамият ўртасида мустаҳкам кўприк бўлибгина қолмай, раъзий маънода «тўртинчи ҳокимият» эгалари ҳисобланади. Шу боис бўлса керак, улар меҳнати ҳар йили раъбатлантирилиб, давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилади. Жумладан, журналистика фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган турли танлов ва тадбирларнинг ўтказилиши жамият тараққийини юксалтириб, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизнинг янада раванк топишида асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий кўтаймиш. Тахририят.

Тиббий ҳамкорлик



СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Республика шoshiлишч тиббий ёрдам илмий марказида туғма ва орттирилган нуқсон билан хасталанган болаларни соғломлаштириш мақсадида Жанубий Кореянинг Сеул миллий университетига қарашли Бунданг госпитали мутахассислари билан ҳамкорликда хайрия соғломлаштириш ҳафталикларини ўтказиш доимий анъанасига айланган. Бундай тадбир доирасида ҳар йили юзга яқин юз, кўл, лаб, кўкрак қафаси нуқсон билан туғилган болалар хирургик йўл билан даволанади. Жорий йилнинг 20 июнь куни Республика шoshiлишч тиббий ёрдам илмий марказида навбатдаги ана шундай тадбир якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббиётнинг барча бўғинлари, жумладан, шoshiлишч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини тубдан такомиллаштириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг малака ва маҳоратини оширишга қаратилган эътибор ўз самарасини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиши янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид Фармони бу борадаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Ўзбекистон тиббиёти жаҳон илм-фанининг илгор ютуқлари билан ҳамқадам ривожланмоқда, – дейди Сеул миллий университети профессорси Сук Ванг Сонг. – Биз бу борада шифокорларнингиз билан ҳамкорликда болаларда учрайдиган туғма ва орттирилган нуқсонларни самарали даволаб келмоқдамиз. Бундай алоқалар тиббиёт тараққийини янада юксалтириш, жаҳон тиббиёти

олдида турган долзарб муаммоларни бартараф этишда ўз самарасини беришига ишонаман.

Жорий йилнинг 15-22 июнь кунлари бўлиб ўтган навбатдаги хайрия соғломлаштириш тадбири доирасида эллик нафар бемор болага бегараз хирургик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, Кореяда малака олишган мутахассисларнинг мазкур йўналишдаги маърузалари тингланлиб, хорижлик шифокорлар томонидан ижобий баҳоланди ва икки нафар марказ ходимиغا Корея Республикасида малака ошириб келиш учун имтиёзли йўлланма берилди.

Тадбир якунида Корея ҳукумати томонидан Республика шoshiлишч тиббий ёрдам илмий марказига реанимация ва операция амалиётлари учун замонавий монитор тақдим этилди.

– Ўғлим Умиджон кўкрак қафаси нуқсон билан туғилган эди, – дейди Наманган вилояти, Чуст туманидан келган Нилуфар Сидикова. – У улғайгани сари бу дарддан қийнала бошлади. Бу хасталикни замонавий хирургик усул билан даволаш кераклигини билганимиздан сўнг ўғлимни мазкур марказга олиб келдик. Ўтказилган операциядан кейин боланинг нафас

олиши енгиллашиб, эндиликда ўзини яхши ҳис этмоқда.

Кореялик мутахассисларнинг таъкидлашича, келгуси йил ҳам мазкур йўналишдаги ҳамкорликлар давом этади. Бундан кўзланган асосий мақсад, туғма ва орттирилган нуқсон билан болаларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни соғлом ва руҳан тарбияланишлари учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдир. Бу борада марказ ходимларидан иборат гуруҳ узоқ маддатли хизмат сафари билан Корея Республикасида бўлишиб, пластик ва торакал хирургия бўйича касбий билимларини бойитиб қайтилар.

– Мамлакатлараро тиббий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши бир томондан аҳоли саломатлигини яхшилаш, иккинчи томондан эса кадрлар салоҳияти ва билим тажрибасининг ошишига хизмат қилади, – дейди суҳбат чоғида марказ директори А. Ҳожибоев.

Намоз ТОЛПОВ.
Сурат муаллифи
Собир МАЖИДОВ.
СУРАТДА: ўзбекистонлик ва кореялик мутахассислар операция жараёнида.

ЯНГИЛИКЛАР

- НОВОСТИ
- СОБЫТИЯ
- КОММЕНТАРИИ

ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДАГИ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясида «ОИВ/ОИТСнинг олдини олишда фуқаролик жамиятининг ўрни» лойиҳаси ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси директори Р. Сарбоев Президентимиз раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг қўлмалли чора-тадбирлар амалга ошири-лаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандлик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ўғил-қизларнинг бул вақтинги мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу Қарор ижроси юзасидан ортирилган иммунитет танқислиги синдроми хасталигининг тарқалишига йўл қўймай, ушбу хавфли иллатдан ёшларни оғох этиш, беморларга ташхис қўйиш, даволаш, ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу хасталикнинг олдини олиш, ёшларни миллий менталитетимизга ёт ва зарарли таъсирлардан асраб-авайлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган

«ОИВ/ОИТСнинг олдини олишда фуқаролик жамиятининг ўрни» лойиҳаси бу борадаги сайёҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир. Лойиҳа мазкур юқумли хасталикни бартаф этишда жамоат ташкилотларининг салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш, бу йўналишда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг ҳаёт тарзи ва кадрлари, урф-одатларига ҳамоҳанг тарзда мувофиқлаштирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга таъбиқ этиш каби вазифаларни қамраб олади. Лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Республика хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бу хавфли касалликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Бунда олимлар, тиббиёт ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, педагоглар иштирокидаги давра сўхбатлари, учрашувлар, жонли мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида лойиҳада белгиланган вазифаларни мувофиқлаштириш амалга оширишда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотларининг янада самарали ҳамкорлигини таъминлаш, фаолиятни мувофиқлаштириш, ушбу жараёнга барча оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этиш кутилган самараларни бериши таъкидланди.

Намоз ТОЛИПОВ.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Жорий йилнинг 25 июнь кuni Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиника ва «Зилола» оромгоҳи ташаббуси билан «Мавсумий юқумли касалликларнинг олдини олиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Семинарни кириш сўзи билан очган Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Э. Маракаева мавсумий юқумли касалликлардан вирусли гепатит ва ўткир юқумли ичак

касалликлари профилактикаси тўғрисида гапириб ўтди. Тадбир давомида оромгоҳдаги болаларга соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва дам олиш тартиб-қоидалари ҳақида ҳам керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Сотрудничество

ИТОГИ АКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

23 июня текущего года в международном бизнес-центре прошел семинар, посвященный закрытию проекта «Усовершенствование медрестинского образования в Узбекистане», реализованного в рамках технического сотрудничества JICA (Японское агентство международного сотрудничества). Приветственная речь прозвучала со стороны Чрезвычайного и Полномочного Посла Японии в Узбекистане Цутому Хираока.

Напомним, что данный проект стартовал в июле 2004 года, и в течение последних пяти лет его деятельность осуществлялась на базе 1-го Республиканского медицинского колледжа. Пять лет – немалый срок, в течение которого благодаря упорным стараниям и усилиям задействованных и заинтересованных людей можно добиться высоких результатов. Эта встреча явилась своего рода подведением итогов и оценкой того, что было достигнуто в результате столь продолжительного времени в сфере медрестинского дела. Основной задачей проекта явился пересмотр существующих, а также создание совершенно новых учебных программ для медицинских колледжей страны. О том, были ли реализованы поставленные ранее задачи, нам рассказала госпожа Шизуко Кикучи – главный советник данного проекта:

– Именно благодаря усилиям узбекского народа были достигнуты такие высокие результаты. В течение пяти лет в сотрудничестве с народом Узбекистана мы вели эту деятельность. И теперь можем наблюдать плоды данного проекта, в частности, разработанные учебные программы, которые, систематизированные и упорядоченные, были отданы на переплет. Все учебные пособия, о которых я говорю, будут розданы в медицинских учебных заведениях страны. Если проанализировать наши годы сотрудничества с Узбекистаном, то у нас остались самые приятные впечатления. Целеустремлен-

ность, заинтересованность и активность специалистов этой страны, радовали нас на протяжении всего периода работы.

Слова госпожи Кикучи подтверждают тот факт, что данное сотрудничество, стимулируемое активной заинтересованностью обеих сторон, привело к достижению поставленных целей. Вдобавок к вышесказанному необходимо отметить, что утверждением Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и Министерством высшего и среднего специального образования было создано учебное расписание с рядом новых предметов, которые поэтапно вводились для обучения учеников 1-го Республиканского медицинского колледжа, выбранного в качестве модельного. Новая учебная программа основана на концепции «Сестринский уход, ориентированный на пациента».

Таким образом, подошло к концу пятилетнее сотрудничество Японии и Узбекистана, посвященное усовершенствованию медрестинского дела в стране. Столь актуальная тема не должна оставаться без внимания, и, бесспорно, дело, которому специалисты посвятили пять лет своей деятельности, будет развиваться и в дальнейшем.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

РАЗВИТИЕ ВАЖНЫХ ПРОЕКТОВ

25 июня текущего года при совместном сотрудничестве Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и Детского фонда ООН ЮНИСЕФ прошло открытие Центра по координации и реализации Национальной стратегии по улучшению питания, а также Центра по внедрению международных критериев живорождения при Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

луг по охране материнства и детства, что способствует оптимизации резервов по снижению младенческой смертности. Известно, что развитие общества и системы

Открытие подобных центров является важным событием в медицинской жизни нашей республики, так как трудно переоценить значение правильного питания в жизни населения любой страны. Вопросами улучшения питания специалисты занимаются на протяжении нескольких лет, и успешные результаты их деятельности нашли свое отражение в открытии данных центров. В целом, стратегия по улучшению питания является многосекторальным, консультативным и плановым процессом, включившим основные заинтересованные государственные и частные стороны. Напомним, что Национальная программа включила в себя расширение фортификации муки для снижения заболеваемости анемией среди женщин, расширение йодирования соли, обогащение хлопкового масла витамином А, а также предоставление населению, особенно матерям и детям, основных услуг по правильному питанию.

Открытие Центра по координации и реализации Национальной стратегии по улучшению питания – не последнее событие, которым запомнился этот день. Помимо этого, 25 июня



состоялось открытие Республиканского Центра по внедрению международных критериев живорождения. Охрана здоровья матери и ребенка является приоритетным направлением системы здравоохранения нашей республики и всего мира в целом. Данный центр выполняет важные функции, в частности, предоставляет возможность ознакомиться с информацией о последних достижениях медицины по пакету ус-

здравоохранения оцениваются на основе вышеупомянутых факторов. В связи с этим Республика Узбекистан поддерживает и развивает международные подходы и стандарты в организации и оказании медицинской помощи матерям и детям. Подходы Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) активно внедряются страной в медицинскую практику и образование.

Таким образом, два новых центра начинают свою работу на базе Ташкентского педиатрического медицинского института. Мы будем надеяться на то, что их деятельность даст свои положительные результаты.

Намоз ТАЛИПОВ.

Хурматли муштарилар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетдаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топши имкониятига эгадир. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, uzss@med.uz, uzss@yandex.ru, uzss@inbox.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.



Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2009 й.
№ 6

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги, замонавий ташкилий услубларини яратиш, белгиланган тартибдаги ислохот жараёнларини жадаллаштириш, шу жумладан, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш каби мақсадли вазифалар бир неча йилдирки, узил-кесил, изчиллик асосида олиб борилмоқда. Айниқса, «Саломатлик» лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши том маънода юқоридаги кўрсатма ва амалий фаолиятларга туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини жорий этиш асосида жойларда янги типдаги қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, муассасаларни зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали кадрлар фаолиятини такомиллаштириш сингари тиббиёт ислохотлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Мазкур давлат дастурининг ягона мақсади аҳолига сифатли ҳамда малакали тиббий хизмат турини кўрсатиш, касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволашга эришиш, жаҳон тиббиёти тажрибаларини фуқаролар саломатлиги йўлида татбиқ этиш ва бу орқали тиббиётимиз ривожини юксалтиришдир. Бу масъулият ва ишонччи оқлаш кўпроқ бирламчи тиббиёт бўғини ходимларининг улкан вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Шунга мувофиқ, республикамизнинг барча тиббиёт институтлари қошида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, ундаги тор мутахассисликка эга шифокорлардан замонавий қиёфадаги умумий амалиёт шифокорлари тайёрланмоқда. Яқинда мазкур ўқув марказларини тугатган умумий амалиёт шифокорлари 10 ой давомида олган билимларини босқичма-босқич синовдан ўтказиб, имтиҳонларни муваффақиятли якунладилар.



Имтиҳонга тайёргарлик жараёни.

СИНОВЛИ ИМТИҲОНЛАРДАН МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГАЧА

Шароф ҚОСИМОВ,
Тошкент врачлар
малакасини ошириш
институтининг умумий
амалиёт шифокорлари
малакасини ошириш
кафедраси муdiri:

– Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими ходимлари малакасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш билан кечаётган узлуксиз таълим, айни пайтда улар малакасини доимий равишда бойитиб боришни тақозо этади. Айтиш жоизки, 10 ойлик ўқув курсида олинган назарий ва амалий билимлар тор мутахассисликдаги шифокорларни тўла қониқтира олмаслиги мумкин. Лекин шунга қарамадан, улар кўпроқ вақтини аҳоли билан ишлашга, улардаги турли хил касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ишларига йўналтирадilar. Бунинг амалий ифодаси кўпроқ узоқ ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида намоён бўлмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг режали тарзда бунёд этилаётганлиги шифокор ва ҳамшираларнинг халқ билан ҳамнафас ишлаши, янги технологиялар унумли фойдаланган ҳолда меҳнат қилишини давр талаб этмоқда.

Айни кунларда республикамиздаги барча тиббиёт муассасалари қошида очилган ўқув марказларида битирувчиларнинг давлат имтиҳонлари бўлиб ўтди. Бу жараён 10 ой давомида олинган билимларнинг амалий натижаси

бўлибгина қолмай, умумий амалиёт шифокорининг касбий маҳорати қанчалик устувор эканлигини кўрсатади. Зеро, «Саломатлик» лойиҳаси доирасида ташкил олган тингловчилар дастлаб назарий кейин эса амалий билимларини босқичма-босқич синовдан ўтказдилар. Оғзаки савол-жавобларда ҳам улар ўзларининг иш таж-

биан характерлидир. Чунки, бу лойиҳалар умумий амалиёт шифокорининг хундалик фаолиятида муҳим ҳисобланиб, аҳоли билан ишлаш жараёнида қатта аҳамият касб этади. Барча тингловчиларимиз имтиҳонни ижобий натижалар билан топширдilar. Айниқса, компьютерда топширилган назарий саволлар улар билимини қайта

га мўлжалланган махсус программа эса марказ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан рухсат берилган. Врачлар ва фармацевтларни адаптив тест синовидан ўтказиш дастури етти йилдирки ўз натижасини бериб келмоқда. Бу программанинг қулайлиги шундаки, тест топширувчилар компьютерни мукамал билишлари талаб этилмайди. Тестларни кўрсатилган тартибда бемалол бажаришлари мумкин. Компьютер хонаси бир пайтнинг ўзида 40 нафар тингловчини қабул қилиш имкониятига эга. Умумий амалиёт шифокори деган номга сазовор бўлган врачлар олган билимларини тест синовидан ўтказиб, юқори балл билан кейинги босқичга йўлланма олдилар. Берилган саволлар кўпроқ назарияга оид, бевосита ўн ой мобайнида ўзлаштирилган билимлар маъмуздан иборат бўлди. Тажрибали мутахассислар томонидан тузилган мазкур тест саволлари тингловчиларни янада чуқур билимга ундаши ва билимларини қайта мустаҳкамлашга туртки бўлди.

Мухтабар РИСКУЛОВА,
Тошкент шаҳар 25-оилавий
поликлиника умумий
амалиёт шифокори:

– Мазкур 10 ойлик ўқув курси менга аввало жаҳон тажрибалари даражасидаги билимларни эгаллашга, кенг қамровли соҳа вакили сифатида иш юритишimgа, касалликни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва асоратларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат

кўрсатишга кенг йўл очиб берди десам муболага бўлмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз аҳолининг жинси, ирқи ва миллатидан қатъи назар, шови-линч тиббий ёрдамни кўрсатиш, касалликни эрта аниқлаш ва улар тиббий маданиятини оширишдир. Бу ҳар бир ҳамкасбимизнинг иш фаолиятидаги шир ҳисобланади. Бу ерда ўқиш давомида устозларимиз М. Зоҳидова, Ш. Қосимов, М. Шариповна сингари тажрибали профессорлардан олган назарий таълимларимиз тест жараёнларида қўл келди. Тест саволлари осон бўлгани йўқ. Албатта, имконият даражасида ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда фаолиятимиз давом эттираман.

Зулфия ХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар 51-оилавий
поликлиника умумий
амалиёт шифокори:

– Тест синовларидан 420 балл тўпладим. Бу жараён осон кечмади. Олинган назарий билимларимизни қайта мустаҳкамладик. Чунки, аксарият вақтимиз ўқиш билан бирга оилавий поликлиникамизда ўтганлиги боис, тажриба қўламимиз ҳам анча бойиди. Шунинг учун бўлса керак, барча ҳамкасбларимиз имтиҳонларнинг бу босқичида ижобий натижа билан баҳоландилар.

10 ой мобайнида олган назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли билан мукамал ишлаб, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик ҳамда тиббиётнинг бир қанча муҳим йўналишларида фаолиятни кучайтириш зарур деб биламан.

(Давоми 4-бетда).




Синовли дақиқалар.

рибаларидан келиб чиққан ҳолда масалага билимдонлик нуқтаи назаридан ёндашдилар. Энг муҳими, ўқининг дастлабки ойларида тингловчилар фаолият олиб бораётган ҳудудларидаги ижтимоий аҳолини инobatга олиб, муайян мавзуга қаратилган лойиҳа билан ишлаганликларини имтиҳон ҳайътига тақдим этдилар. Танланган лойиҳаларнинг аксарияти ижтимоий касалликларни олдини олиш ва эрта аниқлашга йўналтирилганлиги

мустаҳкамлаб, билмаганларини ўрганиб олишига имконият берди.

Шавкат НОРКУЛОВ,
Врачлар ва фармацевтларга
лицензия бериш ва уларни
аттестациядан ўтказиш
Республика маркази.

– Бу ерда тингловчилар тест имтиҳонларини ўтказдилар. Хар бир врачга 100 та савол берилиб, уларнинг ишончилиги кафолатланган. Максимал 500 баллни ташкил этиб, ўтиш балли 300 ҳисобланади. Тест олиш-



«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
Women and Child Health Development,
and «National flour fortification program» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Здоровье женщин и детей»
и «Национальная программа по обогащению муки»

СИНОВЛИ ИМТИҲОНЛАРДАН МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГАЧА

(Давоми. Боши 3-бетда).

Машхура ЗОХИДОВА,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш кафедраси mudiri:

Кафедрада республика миқозининг барча ҳудудларидан келган 60 нафар шифокорлар 10 ойлик ўқув курси муваффақиятли тугатишди. Айтиш жоизки, улар айни кунда ҳудудларидаги шифо масканларида олган назарий ва амалий кўникмаларини амалиётда кенгроқ татбиқ қиладилар. Тингловчилар ўқиш давомида ўзлари фаолият юритаётган ҳудуд аҳолиси мисолида долзарб мавзуга қаратилган лойиҳалар устида ишлаб, унинг даққимотини ўтказишди. Умумий амалиёт шифокорининг асосий вазифаларидан бири оиладаги биргина бемор эмас балки соғлом оила аъзоларининг ҳам соғликларини назорат қилиб боради. Бу ердаги асосий мақсад халқнинг тиббиётга бўлган ишончини орттириш, тиббий маданиятини юксалтиришдир. Бунинг учун умумий амалиёт шифокори беморлар билан ишлаш санъатини мукаммал эгалламоғи зарур. Уларда, назарий билимлар етарли бўлиши мумкин, аммо ишда талабчанлик, изланувчанлик ва етук малака бўлмаса, сифат-самарадорликка эришиш кийин. Шу боис, таҳсил олган барча тингловчиларимиз билим доираларидан келиб чиқиб, имтиҳон саволларига тўлақонли жавоб қайтардилар, баъзи тингловчилар эса бу жараёнда хатolikларга ҳам йўл қўйдилар. Демак мутахассис ўз билими устида қачалик кўп ишласа унинг



Ўзаро баҳслашув фикрни чарқлайди.

касбий маҳорати ошиб, тажриба кўлами бойиб бораверади.
Роҳила ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти,
Чуст тумани умумий амалиёт шифокори:

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 4-ўқув марказида 10 ой мобайнида таҳсил олар эканман тиббий билимларимни янада мустаҳкамлаб олдим деса янглишмаган бўламан. Марказимиз директори Раъно Дадабоева, мутахассислардан Воҳид Умаров, Ноила Худойбердиева каби устозларнинг ўқитиш услублари, машғулотларни қизиқарли тарзда олиб боришлари барча тингловчиларни назарий томондан билимларини бойитиб, амалий томондан тажриба кўламлини кенгайттирди. Албатта, иш жараёнида устозлар берган кўрсатма ва йўл-йўриқлар, фаолиятимизда асосий ўринга эга бўлиш шубҳасиз. Ҳозирги вақтга келиб, барча мутахассислар замонавий қиёфа касб этиб, мутахассисдан фақат ишлаш масъулиятини талаб қилмоқда. Имтиҳонларни ҳам муваффақиятли ўтказдик. Ундан



Амалиётдаги билим фаолиятдаги мезондир.

ташқари, ўқув курси давомида «Қандли диабет касаллиқларини эрта аниқлаш ва олдини олиш» мавзусида лойиҳа олган эдим. Бундан кўзланган мақсад – қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш, беморга тўғри ташхис қўйиш ва керакли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборатдир. Бу ҳам ўз ўрнида шифокорни кенгроқ билимлар до-

ирасида ишлашни тақозо этади. Мазкур лойиҳа билан аҳолининг орасида касбий малакамни бойитиб бормоқдаман. Келгусидаги режаларимдан бири, касбий маҳоратимни янада ошириб, аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Ботир ХОЛОВ,
Сурхондарё вилояти,
Сариосиё тумани «Шоҳиш-лок» ҚВП mudiri, умумий амалиёт шифокори:

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-ўқув марказида таҳсил олар эканман тажрибали мутахассислар томонидан ўтказилган дарс машғулотлари ҳар

унинг аҳоли ва оилаларда ўрни нечоғлик муҳим эканлиги тўғрисида фикрлашдик.

Қишлоқ врачлик пунктимиз замонавий тилда бунёд этилган бўлиб, барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Айниқса, лаборатория, физиотерапия хоналаридаги тиббий хизматнинг ўрни аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта бўлмоқда. Авваллари, оддий лаборатория текшируви ҳам туман марказий шифохонасида олиб бориладди. «Саломатлик» лойиҳаси томонидан келтирилган бундай замонавий янги технологиялар ишларимизни янада энгиллаштириб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда қўл келмоқда. Шифокор ва ҳамшираларимиз аҳоли орасида турли хил касаллиқларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бормоқдалар. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Патронаж ҳамшираларнинг оилалар билан ишлаш имконияти янада кенгайиб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Асосий вазифамиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш экан, бу йўлда бор билим ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишимиз зарур. Юқорида ижобий ишлар хусусида тўхталар эканман, бунинг сарибарида камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Аввало ҳар қандай камчилик, муаммоларни олдини олиш ҳамда бартараф этиш ҳар биримизнинг масъулият ва вижодан ишлайшимизга ундайди. Бунинг учун касб маҳоратини ошириб, тиббиётдаги барча янгиликлардан бохабар бўлган ҳолда фаолиятни изчиллик билан давом эттириш муҳим деб биламан.

АМАЛИЁТДАГИ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР

Бир неча йилдирки, мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Осий тараққиёт банки ҳамкорлигида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги 96 та туғруқ муассасаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан кўзланган асосий мақсад оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашдир. Эндиликда мазкур технологиялар билан ишлаётган мутахассислар малакасини ошириш, уларда касбий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Хабарингиз бўлса, ўтган йилнинг декабрь ойида мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Буюк Британиянинг «HealthProm» ташкилоти ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари томонидан неонатологияда тиббий технологиялардан самарали фойдаланишга қаратилган олти кунлик ўқув семинар ташкил этилган эди. Ўтказилган мазкур семинар-тренинг асосан амалиётга йўналтирилган бўлиб, иштирокчилар асосий машғулотларни Республика Перинатал маркази ва Чирчиқ шаҳридаги туғруқ мажмуасида олиб боришган эди.

Натижаларимиз ижобий томонга ўзгарди. Чунки, ҳозирги вақтда лойиҳа доирасидаги барча туғруқ мажмуалари им-

боис, у ердаги ишнинг сифатли боришини таъминлашда малака оширган неонатологларнинг ўрни катта бўлмоқда. Улар ўз билимларини вилоят ва туманларидаги ҳамкасбларига ўргатиб, мазкур асбоб-ускуналардан эса ёрдамга муҳтож, туғруқ пайтида муаммоларга учраган болалар саломатлигини яхшилаш йўлида унумли фойдаланмоқда-



Изланувчанлик касб маҳоратида катта аҳамиятга эга.



Замонавий аппаратурада ишлаш мутахассисдан билим ва тажриба талаб этади.

фузион насос, чақалоқларни интенсив даволаш учун реанимация столи, монитор, инкубатор, транспорт инкубатори, ўпкага сунъий ҳаво бериш аппаратлари билан тўлиқ жиҳозланган. Шу

лар, – дейди Осий тараққиёт банкининг «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси координатори Нигора Карабаева.

Мазкур жараёнларнинг

янада узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Республика Перинатал марказида навбатдаги чуқурлаштирилган ўқув курси ташкил этилди. Бунда асосий эътибор, ўзлаштирилган билимларни сарҳисоб қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланишнинг янги мезонларини татбиқ этиш, хорижий экспертлар кўмагида фаолият юритишнинг қонуноқоидаларини мукамаллаштиришга қаратилди.

Бу йўналишдаги ўқув курсида иккинчи бор иштирок этил-

ман. Бундан кўзланган асосий мақсад – респиратор терапияни ўрганиш ва уни фаолиятда кенгроқ қўллаш, олинган билимларни янада чуқурлаштиришдир. Муассасамиз замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланди. Улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мазкур семинарнинг ўрни бениҳоя катта, деб биламан, – дейди Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали врач-неонатологи Ибодат Жўраева.

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ АВЛОД ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛЛИК

Маълумки, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, республика тиббиёт тизимида уч мингдан зиёд кишлоқ врачлик пункти томонидан аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» (Жаҳон банки) ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» (Осиё тараққиёт банки) қўшма лойиҳалари ҳамкорлигидаги ишлар ўз самарасини бераётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Кишлоқ врачлик пунктларида амалдаги ишларнинг ривож давлатимиз томонидан чиқарилаётган Фармон ва Қарорлардаги мақсад – моҳият

нечоғлик муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини фаолиятлар мисолида кўриш мумкин. Жорий йилнинг 13 апрелида Президентимиз томонидан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 1096-сонли Қарорнинг қабул қилинганлиги барча тиббиёт муассасалари қатори кишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари олдига ҳам катта масъулият юклатди. Ушбу қарорнинг амалдаги ижроси бўйича Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Акмал Икромов кишлоқ врачлик пунктида бўлиб, у ердаги фаолиятлар билан танишиб қайтдик.

Мамлакат МҮМИНОВА,
кишлоқ врачлик пункти
мудираси:

– Худудимизда 7708 нафар аҳоли яшайди. Уларга 4 нафар врач, 14 нафар ҳамшира,

янги тиббий жиҳозларда ишлаш ходимлар ҳамда беморларимиз учун катта қулайликлар туғдирмоқда. Фаолиятлар изчиллик билан олиб борилаётган бир пайтда Юртбошимиз томонидан қабул


йиғини, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида иш олиб борсаларгина ижобий натижаларга эришиб, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келишига замин яратган бўлаемиз.

Абдували ҚОСИМОВ,
акusher-гинеколог:

– Хафтанинг ҳар жума кuni худуддаги ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказамиз. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган Юртбошимизнинг 2009 йилнинг апрель ойидаги 1096-сонли Қарорига мувофиқ ишларни янада жадаллаштириб юбордик. Қабулга келаётган ҳар бир ҳомиладор аёл соғлигини назорат қилиб бўлгач, унда кечаётган ўзгаришлар ёки жиддий ҳолатлар бўлса, керакли тавсиялар ҳамда ётиб даволашишга йўлланма берамиз. Уларнинг оила аъзолари билан ҳомиладорликнинг кечиши, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши тўғрисида суҳбатлар олиб борамиз. Яна таъкидлаб ўтишим жоизки, олдинги йилларга қараганда ҳомиладор аёллар ўртасида бўёқ, камқонлик ва экстрагенитал касалликлар каймайган. Аҳоли орасида доимий тарғибот ишлари ўз вақтида олиб борилсагина соғлом авлодларнинг дунёга келиши, яъни асосий вазифаларимиздан бири бўлган мақсадимизни рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳамма вақт ўз билимимиз устида ишлаб, халқнинг тиббий савиясини қанчалик оширсак, у ерда соғлом турмуш тарзи ўз ифодасини топади.


Гулчехра ҲСАРОВА,
ҳамшира:

– Кишлоқ врачлик пунктимизга Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан келтирилган барча тиббий асбоб-ускуналардан халқимиз саломатлиги йўлида оқилона фойдаланаяпмиз. Мен фаолият юритадиган терапия хонасида ЭКГ апарати бўлиб, унда беморлар ва ҳомиладор аёлларнинг соғликлари текширилади. Мазкур апаратни ўзим бошқариб бораман. Унда қандай ишлаш сирларини Япония давлатидан келган мутахассис ўргатган бўлса, Жиззах вилоят кардиологика диспансерида тажрибали кардиологлар томонидан 2 ҳафталик ўқув курсида ўқидим. Хафтанинг ҳар жума кuni қабулимизга ҳомиладор аёллар келади. Биз уларга маслаҳат, тавсия ҳамда керакли йўл-йўриқлар кўрсатиб, ҳомиладор аёллар учун махсус тайёрланган буклетлар берамиз. Бундан ташқари, туркук ёшидаги ва ҳомиладор аёлларнинг оила аъзолари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг турмуш шароитлари



3 нафар кичик тиббиёт ходими ҳамда бир нафар менежер хизмат қилади. Муассасамиз 2003 йилда кишлоқ врачлик пунктига айлантирилиб, юридик мақомга эга бўлди. 3 нафар врачимиз «Саломатлик-2» лойиҳаси

қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам ходимларимизни янада масъуллик билан ишлашга ундамоқда. Чунки, она



бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш марказининг ўн ойлик ўқув курсида таҳсил олиб қайтди. Таъкидлаб ўтишим жоизки, ўтган йили Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (Жайка) томонидан кишлоқ врачлик пунктимизга янги апаратлар, ЭКГ, ФЭК, центрафуга, POKIZA, микроскоп, дистеллятор, автоклав, музлаткич, офтальмология, гинекология ва отоларингология жамланмалари берилди. Бундай

ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш давлатимизнинг сиёсий ва устувор вазифаларидан биридир. Айни кунда ушбу қарорнинг амалий ифодаси сифатида аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб юбордик. Бундан ташқари, репродуктив саломатлик бўйича йигма жиддлар ташкил қилиб, 12 та тамойил асосида суҳбатлар ўтказилмоқда. Бунда албатта, нафақат кишлоқ врачлик пункти ходимлари, балки маҳалла фуқаролар



қандайлиги, шунингдек, туғилма-жақ фарзанд ва она соғлиғига бўлган эътиборлари қай даражада эканлигини кўриб керакли маслаҳатларни бериб келмоқдамиз.

Гулнора ҚУШАЛИЕВА,
лаборант:

– Бемор соғлигининг асосий тахлили лабораторияда чиқариб берилади. Мутахассис фаолият жараёнида ҳар томонлама хушёр бўлиши шарт. Чунки лабораторияда ишлашнинг ўзига хос нозик томонлари кўп. Айниқса меъёрий қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаш зарур. Шунингдек, лаборатория жиҳозлари замон талаблари даражасида ва реактивлар етарли бўлса иш самарали кечади. Ўтган йили Япония давлатининг гранти асосида лаборатория асбоб-ускуналаридан ФЭК,

қуналардан унумли фойдаланиб, инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилишга тайёрман.

Замира ЭЛМУРОДОВА,
А. Икромов маҳалласида
яшовчи фуқаро:

– Ёшим 21 да. Ҳадемай оналик бахтига муяссар бўламан. Ҳомиладорлик давримда кишлоқ врачлик пунктининг тиббиёт ходимлари ҳолидан тез-тез хабар олиб, тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтишимни доимий тавсия қилиб келишди. Ва керакли маслаҳатлари ҳамда махсус тайёрланган буклетларни тақдим этиб, оила аъзоларимиз билан суҳбатлар ўтказишди. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келишида нималарга эътибор қаратиш, онанинг ўз вақтида вита-



микроскоп, POKIZA, дистелляторлар келтирилди. Мазкур янги тиббий технологияларда ишлаш фаолиятимда енгиллик туғдирмоқда. Шу жараёнда ушбу асбоб-ускуналарни ишлатиш учун Япония давлатидан келган мутахас-

минларга бой озик-овқатлардан истеъмол қилиши ҳамда дам олиши кераклиги қанчалик зарурат эканлигини олимаизга ташриф буорган доя ва тиббиёт ходимлари доимий тушуни айтиб келадилар. Яна шунини айтиб ўтмоқчиманки, ҳомила-




сислар икки ҳафта давомида ўқув курси ташкил этиб, уларни қандай бошқариш кераклигини ўргатишди. Бундан ташқари, Урта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика марказининг Жиззах филиалида икки ой мобайнида малакамни ошириб қайтдим.

Бир кунда 20-25 нафар беморни қабул қилиб, уларнинг тахлили натижаларини тезда аниқ чиқариб беришга ҳаракат қилганман. Айниқса, олган билим ва малакаларим иш фаолиятимда қўл келмоқда. Ушбу тиббий асбоб-ус-

дорликни яхши ўтказиш кўпроқ оила аъзоларига ҳам боғлиқ бўлар экан. Айниқса, бу даврда қайнона ва турмуш ўртоғининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Кишлоқ врачлик пунктига келганимизда тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ҳар бир хонада ҳомиладор аёллар учун зарурий тавсия ҳамда рангли тарзда она ва бола суратлари акс этган буклетларни ўқиб, ўзимиз керакли маълумотларга эга бўлмоқдамиз.

Суратларда: Кишлоқ врачлик пункти фаолиятдан лавҳалар.



Умумий амалиёт врачларига амалий ёрдам

ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ОҚИЛОНА Фойдаланайлик

Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш амалиётини татбиқ этишда тиббиёт муассасалари, тиббиёт ходимлари ва беморлар муҳим ўрин эгаллайди. Самарали бошқарув, аниқ клиник кўрсатмалар, рағбатлантириш омиллари, тренинглари (ўқитиш) ушбу соҳада қўлланадиган самарали масаланинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади.

Дори воситаларини белгиланинг стандарт жараёни тиббий аралашуви талаб қиладиган муаммони аниқлаш мақсадида ўтказиладиган диагностикадан бошланади. Кейин даволаш мақсади аниқланади. Уни белгилловчи шифокор ҳар бир беморга алоҳида ёндошган ҳолда белгиланган мақсадга эришиш учун замонавий дори воситаларидан фойдаланиб, терапевтик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, даволаш туриди қандай қўллашни аниқлаши керак.

Агар беморни дори воситалари билан даволаш қарори қабул қилинган бўлса, беморга кўпроқ самарадорлиги, ҳавфсизлиги, яроқлилиги, нархлари тўғрисида қўллашдан ҳолда дори воситаси танланади. Кейин бемор аҳолини ҳисобга олган ҳолда, унинг дозаси, қўллаш услуби ва даволаш давомийлиги аниқланади. Дори воситаларини белгилловчи шифокор беморга унинг аҳоли тўғрисида ва танланган дори воситаси ҳақида керакли маълумотни етказиши керак. Сўнгра шифокор дори воситаларини мавжуд терапевтик ва ноҳўя таъсирларини ҳисобга олган ҳолда, даволанишнинг кузатувини қандай қилиб олиб боришни аниқлаши мумкин. Кейин, бемор дори воситасининг дозаси ва даволаш курси ҳақида тушунчаси борлигига амин бўлиши лозим. Бемор дори воситаларини қабул қилишни бошлайди. Аниқ бир касаллиқни даволашда керакли дори воситаларини истеъмол қилишнинг афзаллигини бемор ва унинг атрофдагилар англаб етишса, шифокор белгиланган кўрсатмаларнинг бажарилишига ҳамда берилган дори воситаларининг самарадорлигига эришилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тақдим этилган жаҳон миқёсида дори воситаларини ишлатиш бўйича 2004 йил ҳисоботида дори воситаларини оқилона қўллаш жараёнини таҳлили ўтказилган. Ушбу ҳисоботда Ўзбекистонда ҳам сийдик йўллари инфекцияларида, артериал гипертонияда, ошқоран касалликларида, шу жум-

ладан диареяда инъекцияларнинг нооқилона белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳисоботда кенг тарқалган касалликларни даволашда генерик дори воситаларидан кам миқдорда фойдаланганлиги айтиб ўтилган. Дори воситаларини кўп миқдорда ёки етарли бўлмаган миқдорда ва нооқилона ишлатиш чекланган ресурсларнинг самарасиз сарфлашига ва беморлар саломатлигига ҳавф туғилишига олиб келади.

Инъекция дори воситаларини белгилашда икки асосий омилга риоя қилиш зарур. Биринчидан, тезкор таъсирга эҳтиёж туғилганда инъекция дори воситалари белгиланади. Иккинчидан, инъекциядаги дори шакли керакли самарарага эришишга ягона омил бўлган тақдирда. Инъекция дори воситаларини кўп миқдорда белгилаш ҳавфли ҳолатдир. Шунингдек, инъекция дори воситалари шу дори воситаларнинг таблетка ёки бошқа шаклларига нисбатан қимматроқдир. Дори воситаларини белгилловчи шифокор ҳар бир инъекция дори воситасини белгилашдан олдин унинг бемор учун тиббий заруратлиги, ноҳўя таъсири, ноқулайлиги, ҳавфсизлиги ва қолаверса унинг нархини инобатга олиши керак. Тиббий ходим инъекция дори воситаларини амалга оширганда, унинг таъсири, шу жумладан ноҳўя таъсири ҳақида ҳамма нарсани билиши ва қўлланмадан вазиятда қандай ҳаракатларни амалга оширишни билиши шарт. Инъекция дори воситаларини амалга оширувчи тиббий ходим инъекциядан сўнг унинг қолдиқларини, яъни игна, шприц ва системани зарарсизлантириш чора-тадбирларини қўриши зарур. Хусусан бу амалиёт уй шароитида амалга ошириладиган бўлса бемор ва унинг атрофдагилар ҳам инъекция муолажаси қолдиқларини зарарсизлантириш чора-тадбирлари тўғрисида хабардор бўлиши керак.

Қишлоқ врачлик пункти дори воситаларини сотиб олиш, сақлаш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш тизимини бошқариш бўйича қўлланиладиган олинди.

Семинар

ДОСТОИНСТВА ДОКАЗАТЕЛЬНОЙ МЕДИЦИНЫ

Недавно в Ташкентской медицинской академии прошел 4-дневный семинар по доказательной медицине, организованный проектами «Здоровье-2» и «Укрепление здоровья женщин и детей», на котором участвовали специалисты проектов, студенты и магистры Ташкентской медицинской академии, а также тренера, прошедшие обучение в рамках проектов.

Как известно, доказательная медицина является на сегодняшний день актуальной темой, ведь она подразумевает доказывание своего мнения, основываясь на имеющихся фактах. Данное событие было своеобразно по своей сути, так как обучающимися участниками являлись студенты – бакалавры и магистры, которые разбиралась тему, путем обсуждения приходили к определенному мнению, а преподаватели направляли их в нужное русло. Будучи свидетелями этой активной работы, мы обратились к самим участникам и преподавателям.

Данонон МАМАНАЗАРОВА, доцент кафедры госпитальной терапии и протевтики внутренних болезней ТашПМИ, преподаватель.

– Сегодняшний семинар – это своеобразный обмен опытом. Участники, разбирая тему, непосредственно находят информацию, и она тщательно анализируется. Таким образом проходит процесс самостоятельной работы. Данный семинар примечателен тем, что в ходе работы наши студенты – бакалавры и магистры – наряду с расширением знаний участвуют с аудиторией, правильно излагать свое мнение. Будучи преподавателем, хотелось бы отметить, что наши участники старались очень активно проявлять себя во всех заданиях. И, пользуясь возможностью, хотелось бы пожелать им удачи в учебе.

Сарвар САЛАХИДИНОВ, доцент кафедры общей хирургии Андижанского медицинского института.

– Сегодняшний семинар проводится уже в четвертый раз. Его целью является обучение участников правильному сбору и анализу информации. Данный метод очень полезен тем, что учащиеся имеют возможность самостоятельно изучить ситуацию. Путем дискуссии в небольших группах все излагают

свои мнения и рекомендации, а также находят пути решения проблемы. Хотелось бы отметить, что данный метод можно внедрять в программу медицинских вузов, потому что он способствует развитию самостоятельности у студентов.

Феруза ХОДЖИЕВА, ассистент кафедры детских болезней с неонатологией и медицинской генетикой ТМА.

– Раньше, преподавая студентам, мы давали знания и опять получали их от студентов. А сегодня, обучая, мы сами занимаемся. Ведь когда учащиеся собирают информацию из литературы и Интернета, мы параллельно с ними тоже участвуем в процессе. Самое главное в нашем семинаре – это то, что в центре внимания находится студент. Он сам разбирает тему, находит пути решения, доказывает свое мнение, то есть самостоятельно работает. Развивается умение взаимодействия в группе, появляются навыки презентации. Отмечу еще один важный аспект: система оценки учащихся семинара по доказательной медицине тоже очень интересна, потому что их работа оценивается не только преподавателями, но самим студентом и всей группой. Он оценивает свой труд, то насколько активно работал в поиске, разборе материала, и на каком уровне был сделан доклад. Таким образом у студента развивается самооценка. А, как известно, самооценка очень влияет на дальнейшую результативность. Так, в нашем случае, если учащийся придет к выводу, что ему следует сделать упор на имеющиеся недостатки в его работе, то

он обязательно сделает это. Такие же оценки дают своим коллегам другие учащиеся. И, в конечном итоге, после выставления оценок преподавателями они все суммируются, и выводится общий результат. Несомненно, этот семинар важен не только для учащихся, но и для преподавателей.

Александр ФАТТАХОВ, студент 6-го курса Ташкентской медицинской академии, участник семинара.

– Обмен опытом, самостоятельная работа – это те критерии, которые важны в достижении результатов. Поначалу были некоторые сомнения на счет того, обладаю ли я необходимыми знаниями, готов ли. Но организаторы и преподавателями был учтен этот факт, и мы получили вопросники для определения уровня освещенности о доказательной медицине. Затем была дана тема, по которой нужно было готовиться. В подготовку вошла работа как с литературой, так и с сайтами Интернета. Несмотря на очень плотный график, все старались принимать активное участие. Ведь на протяжении семинара мы самостоятельно работали, а преподаватели давали советы и направляли нас. Следует отметить и тот факт, что в рамках обсуждения тем мы должны были подготовить доклады и выступить перед аудиторией. А это, согласитесь, очень важно, потому что, докладывая тему, мы приобрели ораторские навыки, учились выступать перед большим количеством людей. Я надеюсь, что все знания и опыт, которые мы получили на семинаре, обязательно помогут нам в будущей работе. Хотелось бы поблагодарить организаторов за предоставленную возможность принять участие в семинаре.

Пообщавшись с участниками и преподавателями семинара, особо хочется отметить то, с какой активностью они разбирают темы, составляют доклады. В работе всех участников чувствуются интерес и большая ответственность – те качества, которые обязательно приводят к результативности. В свою очередь хотелось бы пожелать организаторам семинара удачи, а участникам – плодотворного использования на практике тех ценных навыков, которые они приобрели.

Обуна – 2009

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2009 йил учун обуна бўлиш мавсуми давом этмоқда.



Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепление здоровья женщин и детей». Исполнительный директор Ж. А. Жабриев. 700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж. Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47. Факс 268-25-39, E-mail: office @ jpbib.uz. com.uz.

Лойиҳа материалларини И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ, И. ИЛҲОМОВАлар тайёрладилар. Суратлар муаллифлари Ибодат СОАТОВА, Собир МАЖИДОВ.

26 июнь — Гиёҳвандликка қарши курашиш кун

МУНИМИ: ЭЪТИБОРНИ СУСАЙТИРМАСЛИК ВА ФОЖИГАГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК

Кейинги пайтларда ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳамда ичкиликка ружу қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Айниқса, улар ичкилик ҳамда гиёҳванд моддаларга ружу қўйганликлари сабаб ўз соғликлари ва ҳаётларига раҳна солмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республика тиббиёт тизимида муайян ишлар амалга оширилиб, гиёҳвандликка қарши кураш ишлари барча республика ва вилоят наркология диспансерларида изчиллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят наркология диспансерида ҳам самарали фаолиятлар амалга оширилмоқда. У ерда даволанаётган беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан танишиш мақсадида диспансернинг бош врачлари Нодира Наимжоновна Адилова билан суҳбатда бўлиб кайдик.

— Нодира Наимжоновна, юқоридagi фикрлардан келиб чиқадиган бўлса, сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ва токсикомания билан касалланган беморларни даволашда қандай меъёрий ҳужжатлар асосий ўрин тутаяди?

— Аҳолига наркология хизмати «Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ва токсикомания билан касалланган беморларнинг мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 августдаги 401-сонли «Сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандлик касаллигига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 28 декабрдаги 600/327-сонли «Сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларни мажбурий даволашда, ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари, Соғлиқни сақлаш, Наркология муассасалари ва Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи, 2001 йил 9 июлдаги 4/4-сонли «Мастлик ҳолатида бўлган фуқароларни реабилитация пунктларида тасдиқланган тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қарори, 1998 йил 28 январдаги 39-сонли «Республика аҳолисига наркология ёрдами ни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 8 сентябрдаги 403-сонли «Республика аҳолисига наркологик хизмат кўрсатиши такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқлар асосида олиб борилди.

— Наркология диспансерида олиб борилаётган фаолиятлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Диспансер бўлими 40 қат-

новга мўлжалланган бўлса, стационар бўлими 50 ўринни ташкил этади. Беморларга асосан врач-наркологлар томонидан тиббий хизмат кўрсатилади. Айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда аҳоли орасида сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандликка ружу қўётганлар сони ортиб бормоқда. Бу албатта, ачинарли ҳол. Чунки, бундай иллатларга ўрганиб қолганлар биринчи навбатда ўз соғликлари, шунингдек, атрофдагиларга ҳам зарар етказаятганликларини билмай қоладилар.

Диспансерда 2009 йилнинг беш ойи мобайнида 86 нафар бемор «Сурункали алкоғолизм», 6 нафар бемор эса «Гиёҳвандлик» таъхиси билан ҳисобга олинди. Шу давр мобайнида 212 нафар бемор даволашга ётқизилиб, шундан 110 нафари даволаниб чиқди. Шулардан бир нафари «Гиёҳвандлик», қолган 109 нафари эса «Сурункали алкоғолизм» таъхиси билан даво топди.

— Мазкур касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳоли орасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ҳар қандай касалликнинг олдини олишда тарғибот ва таъшиқот ишлари асосий ўрин тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 майдаги 8/07-сонли «Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда суистезъмол қилинишига қарши курашиш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурий ижросини таъминлаш бўйича муассасамиз томонидан профилактика ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг беш ойи давомида вилоят аҳолисига гиёҳвандлик, алкоғолизм, токсикоманиянинг олдини олиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилли» Давлат дастури асосида маҳалла кенгаши фаоллари, нозирлар билан биргаликда соғлом оила мухитини ташкил этиш ишлари олиб

борилмоқда. Гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар, мактаб, олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. «Гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Гиёҳвандлик муаммолар ечими эмас, гиёҳвандликнинг олдини олайлик», «Алкоғолизм ва саломатлик», «Гиёҳвандлик ва алкоғолизм» каби долзарб мавзуларда ўтказилган учрашув ва давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиб, улар томонидан берилган саволларга мутахассислар жавоб беришини. Шунингдек, Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонида «Биз ёшлар терроризм, гиёҳвандлик ва ОИТСга қаршимиз» шиори остида фестивал-шоу ўтказилди. Бундан ташқари, вилоят телерадиокомпаниясида ҳам бир қанча чиқишлар қилиниб, касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари борасида мутахассис маслаҳатлари бериб борилмоқда.

— Диспансернинг моддий-техник ҳолати ва амалга оширилган ишлар тўғрисида фикрингиз.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори бўйича жамғарманинг 60 фоиз фондидан 2007 йилда беморлар учун дам олиш хонаси қурилди. 2008 йил давомида эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ва мазкур йилда диспансер бўлимининг ташкилий-услубий хонаси компьютер жамламаси билан таъминланди. Беморлар учун юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олинди. Ошхона ҳам таъмирдан чиқарилиб, керакли анжонлар билан замонавий тарзда жиҳозланди.

— Муассасангизда амалга оширилаётган самарали ишлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудми?

— Албатта, ютук борм жойда камчилик бўлади деганларидек, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳеч биримизга сир эмаски, кейинги пайтларда республика тиббиёт тизимида давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида тиббиёт муассасаларига замонавий аппаратларнинг килириб келиши касалликни таъхирлаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Диспансеримизда беморларга таъхис қўйиш, уларни даволаш жараёнида мавжуд аппаратлардан фойдаланиб келмоқдамиз. Лекин айрим керакли технологиялардан, яъни биологик су-

ЎЗИМНИ КЕЧИРА ОЛМАЙМАН...

Муҳаммад М.,

Жиззах вилояти, Жиззах тумани:

— Бундан бир неча йил олдин қурилиш ташкилотига бригада бошлиғи вазифасида ишлаш бошладим. Чўнтагимга мўмайгина пул тушгандан сўнг улфатларим кўнайиб тез-тез базим-жамшидлар ўтказадиган бўлдим. Кейинчалик ичкиликка қаттиқ ружу қўйиб, уйга кеч келадиган, оила аъзоларимни уйламайдиган бўлиб қолдим. Ҳатто, ота-онамга ёлғиз бир фарзанд эканлигимни ҳам унутиб қўйдим. Оила аъзоларим, қариндош-уруғларимнинг берган насихатлари қор қилмади. Борган сайин ичкиликсиз туролмайдиган бўлиб қолдим. Мендан беэиб қолган оила аъзоларим ички ишлар органига мурожаат қилишибди. Мана бир йилдирки, Жиззах вилоят наркология диспансерининг мажбурий даволаниш бўлимида даволанаётиман. Муассаса шифокорларининг кўрсатаётган тиббий ёрдамлари аста-секинлик билан ўз фойдасини бераётганимни ҳис қилаётиман. Ҳозирги кунда анча ўзимга келиб қолдим. Лекин ўтган кунларимни эсласам қалбим изтиробга тўлиб кетади. Оилам, уч нафар фарзандим ва меҳрибон ота-онамга етказган зулмларимни кўз олдимга келтирсам, ўз-ўзимдан нафратланиб кетаман. Ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари мени кўрган оилам ва фарзандларим келиб-кетишади. Ҳатто уларнинг кўзларига қарашга истиҳола қиламан. Уйлаб қарасам ёшлигимнинг энг навқирон даврини ҳазон қилибман. Мен учун энг армонлиси ота-онамга ёлғиз фарзанд бўлиб, улар хизматини қила олмай захри қотил ботқоғига кириб қолганим ва фарзандларимга муносиб ота бўла олманлигим ҳар дақиқа қалбимни изтиробга солади. Айниқса, бош фарзандимнинг бўйи етиб, уни турмушга бериш вақти келганини эсласам қалбим азоб чекади. Юқоридagi гапларимдан хулоса чиқариб, ота-онамга муносиб фарзанд, оиламга муносиб ота бўлолмаганимдан афсусдаман. Шунинг учун ўсиб келаятган ёш авлодга айтмоқчилик, захри қотилини ичиб, умрингизга завол бўлманг. Инсонийлик қиёфанингизни асло йўқотманг.

Ушбу наркология диспансерида даволанувчилар учун шароитлар яхши яратилган. Айниқса, тиббиёт ходимларининг ҳушумалалиги, меҳрибонлиги ва кўрсатаётган тиббий хизматларидан мамнунман. Бу ердан даволаниб чиққач, захри қотилини ичкиликка ҳаракат қиламан. Ёлғиз фарзандим деб умид қилиб турган ота-онам олдида бош ёғишга, оилам олдида эса оталик бурчимни бажаришга аҳд қилдим.

юкликларда рухий фаол моддаларни аниқлаш аппарати, газохромограф, ФЭК, ППС аппаратлари йўқ. Агар мазкур камчиликларимиз бар-тароф этилса, ишларимиз янада энгиллашади. Шунингдек, вилоятимизда врач-наркологларнинг етишмаслиги ҳам катта муаммо бўлиб турибди.

— Кадрлар малакасини ошириш қандай йўлга қўйилган?

— Ҳар бир тиббиёт муассасасида ишлар самараси кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Шунинг учун уларнинг малакасини ошириш даврининг асосий талабига айлиниб бормоқда. Ўтган йили икки нафар

врач Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Наркология» ихтисослиги бўйича таъхис олди. Шу билан бирга диспансерда амбулатор ва стационар тиббий-ижтимоий реабилитация дастурини амалга оширишда мутахассислар тайёрлаш бўйича бир нафар врач-психиатр-нарколог «Наркологияда психотерапия масалалари бўйича» ўқув қилишда ҳамда Галлаорид, Зарбдор, Форш туманларида фаолият олиб бораётган врачлар наркология соҳаси бўйича ўз малакаларини ошириб кайтди.

Мазкур наркология диспансерида бўлар эканмиз, бу ерда беморлар учун яратилган барча шароит ва имкониятларни қўриб самарали ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, стационар ҳамда мажбурий даволаниш бўлимидаги озодлик, бундан ташқари беморлар ётадиган матрас, чойшаб ва кўрпаларнинг орасталлиги ҳамда ошхонадаги саранжом-сарихаликни кўриб, у ерда соғлом муҳит барқарорлигига яна бир бор амин бўлдим. Ва у ерда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига соғлиқ, ишларига ривож тилаб қайдик.

Суҳбатдош:
Ибодат СОАТОВА.

Конференция

ЖИЗНЬ НАЧИНАЕТСЯ С СЕМЬИ

24-25 июня нынешнего года в Ташкенте проходила Национальная конференция, основой для проведения которой стала программа «Семейное образование» (ПСО), реализуемая в период 2005-2009 гг. Текущий год является завершающим для данного программного цикла ЮНИСЕФ в Узбекистане. Мероприятие было организовано Комитетом женщин Республики Узбекистан и Детским фондом ООН ЮНИСЕФ.

Потребность в разработке данной программы была обусловлена возрастающей значимостью роли семьи в построении общества. Отсюда вытекает необходимость расширения прав и возможностей семей, а также решения проблем, затрагивающих здоровье, рост и развитие детей. В рамках «Семейного образования» входила работа с махаллами для улучшения практики воспитания и ухода за детьми.

Махбуб Шариф, глава представительства ЮНИСЕФ в Узбекистане, внес ясность в понимание данной актуальной темы, ответил на наши вопросы:

— Прежде всего, программа направлена на процессы воспитания и формирования правильных понятий об уходе за ребенком. В течение последних пяти лет нами осуществляются принципы данной программы в Узбекистане, и в течение этого времени мы достигли

теории. Те правила, которые прописаны в программе, являются незаменимой памяткой для родителей, должны быть учтены каждым членом семьи, принимающим участие в воспитании ребенка. Наряду с Комитетом женщин и его областными филиалами, большую роль в осуществлении данного дела играют также махаллинские органы управления. Я хочу искренне восхититься их включенностью в осуществление программы. Со-

трудничать с ними в этот период было очень приятно, и в дальнейшем я надеюсь укреплять налаженные узы.

Конференция ПСО состояла из двух частей, включивших семинар по валидизации внешней оценки ПСО и семинар валидизации содержания Стандартов раннего образования и развития. Мероприятие было завершено обсуждением составленных участниками рекомендаций.

Семья — это то, на чем строится наше государство, ибо именно с нее начинается жизнь молодого поколения нашей страны. Воспитание здорового поколения — процесс очень сложный, длительный. Для того, чтобы он в итоге увенчался успехом и принес положительные плоды, каждой семье, воспитывающей ребенка, необходимо следовать правилам семейного образования. Таким образом, конференция, посвященная данной теме, подошла к концу. В скором времени мы увидим полученные результаты и их применение на практике.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАТБУОТ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИДИР

Тиббиёт ходимлари орасида алоҳида эътиборга молик нарсаси бу республикамизда нашр этилаётган "Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана" газетасидир. Сурхондарёлик шифокор-

лар ҳам ушбу газетани интиқ бўлиб, ҳар бир янги сонини кутадилар. Биз вилоятнинг турли жойларида феолият курсатаётган врачлардан кундалик иш феолиятларида газета қандай ёрдам бераётганини сўрадик:

Юнус ЎРОҚОВ,
Денов тумани тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи:

— Газетанинг тиббиёт ходимларига кўрсатаётган ёрдами беқийсдир. Чунки Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотлар норматив ҳужжатлари, йўл-йўриқлар аниқ ва тезлик билан ҳар бир тиббиёт ходими-га етказилади. Соғлом турмуш тарзини ташвиқ қилиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш, соғлом авлодни шакллантириш борасида жуда кўп ва хилма-хил мақолалар ишмизнинг унумли бўлишига муҳим аҳамиятга эга бўлмади.

Дамин МАМАСАИДОВ,

Олтинсой тумани Хўжасоат қишлоқ
касалхонаси бош врач:

— Саломатлик инсон учун энг қимматлидир. Давлатимиз инсон соғлиғи ва камолоти йўлида жуда кўп маблағ сарфламоқда. Шифокорларимиз даволаш ишларини жаҳон андозасига чиқаришлари учун ҳамма шароит муҳайё қилин-



ган. Газета тиббиётдаги янгиликлар билан бирга ишмиздаги камчиликлар ҳақида ҳам чиқишлар қилса ёмон бўлмас эди.

Холмирза ХУРРАМОВ,
Узбекистонда хизмат
кўрсатган врач, тиббиёт
фахрийси:

— "Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана" газетасидан тиббиётнинг ҳамма соҳасида улкан ўзгаришлар бўлаётганини билиб турибмиз. Ибодат Соатов, Намоз Толипов, Ирода Илхомова ва Юлдуз Налибоева каби журналистларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли газета ўқимишли, бугунги талабга жавоб беришга шайланган десам, муболага бўлмас. Ҳар бир тиббиёт ходими шу газетани олса, қони фойда бўлар эди.

Сурхондарёлик шифокорлар заҳматкаш журналистлар ва барча тиббиётчиларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан кутлаб, уларга ижодий муваффақият тилайди.

Али Аскар ХАЙБИЛОВ,
жамоатчи муҳбир.

Шеърят**УЧРАШИБ ТУРАЙЛИК, ЭЙ АЗИЗ ДЎСТИМ!**

(1979 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг биринчи ва иккинчи даволаш факультетини тамомлаган курсдошларимга)

Сиздан айрилиқда ўттиз йил яшаб,
Ўттизта баҳорни кузатиб кўйдим.
Хаёлан сиз билан минг марта яшаб,
Соғинччи дўстларим дилмига туйдим.

Ўттиз йил, ўттиз киш, ўттизта баҳор,
Ҳар йилнинг ташвишу қувончлари бор.
Шунча йил ўтсада, фақат дўстларим,
Сизни бир кўрмоққа бўлган эдим зор.

Ўттиз йил ўтса ҳам кеча-ю кундуз,
Мени тарк этмади сизнинг меҳрингиз.
Гоҳида хапқирган ўқис юракча,
Хамдарддек ёнимда доим турдингиз.

Нечун ўттиз йилни тинчгина кутдик,
Нечун учрашмадик бир йилда бир бор.
Яна ўттиз йилни кутсақ дўстларим,
Дунё айвонида ким йўғу, ким бор.

Дунё айвонида бегоналар йўқ,
Хаммаси бир-бирига она қариндош.
Хаётда мингталаб дўст топиб бироқ,
Сиздай дўст топмадик, азизим курсдош.

Дунёга кимлар ҳам устун бўлибди,
Кетганлар албатта келмайди қайтиб.
Дўстларим учрашиб турайлик доим,
Баралла ҳаётнинг қўшиғин айтиб.

Улуғ инсонлар ҳам биздан чиқибди,
Қувондик, Жаҳонгир, устоз Болтабой.

Кўплари кўксига унвон тақибди,
Элнинг дуосини олган хойна-хой.

Талаба бўлганимиз чақиндек қақиб,
Битирдик даргоҳни медаллар тақиб.
Ҳаёт қозонида турибмиз қалқиб,
Учрашиб турайлик, азиз дўстларим.

Ўттиздан кўпроқни қора ер олди,
Ким улар дардига шерик бўлолди.
Танам айрилиқдан титроқда қолди,
Учрашиб турайлик, азиз дўстларим.

Беш кунлик дунёнинг ярмин яшадик,
Қолгани ҳаммага берилган имкон.
Бундайн саройдан кета бошладик,
Учрашиб турайлик, азиз дўстларим.

Олтин давр кетди сиздан сўрамай,
Йигитлик ўтмоқда сўлга қарамай.
Қарилек келади дўстлар ҳадемай,
Учрашиб турайлик, азиз дўстларим.

Ҳайқирмак — бу сўзлар қалбим нидоси,
Қишлоқдан келмоқда акс садоси.
Биламан ҳамманнинг дил мудоаси,
Бўлмасин дўстларнинг ҳеч муаммоси,
Учрашиб турайлик, азиз дўстларим.

Холиёр ҚОДИРОВ,
шифокор.

Билиб қўйган яхши**ЎРИК ШАРБАТИ — ДАВО**

Ўрик қайнатмасини мунтазам ичиб бориш мия фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Жигар, талокдаги қонни тозалашда ўрик шарбати керакли хом ашё сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Қон рангини муътадиллашда,

яъни эритроцитларни ишлаб чиқаришда ўрик шарбати қизил лавлаги билан тенгдир. Демак, у камқонлиқни бартараф этишда қон асосини омил ҳисобланади. Нафас йўли шомоллашида, айниқса, ўпка касалликларида ўрик шарбати чой ўрнида ичилса, ўпка

тўқималарини тиклашга хизмат қилади.

Ўрик шарбати мунтазам равишда ичилса, кўз хасталиқларини ҳам даволайди. Кўзнинг қувватини ошириб, уни шомоллашдан асрайди. Кўз қон томирига шифобахш озуқа беради. Қандли диабет касаллигига чалинганлар ҳам ўрик шарбатини чой ўрнида ичишлари мумкин.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

Дил изҳори
ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН!

Анча йиллардан буюн бел соҳамдаги орғиқ безовта қиларди. Аҳволим оғирлашаварган, Республика шoshiлинь тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг "Шoshiлинь урология" бўлими мутахассисларга мурожаат қилдим. Улар соғлигимни назорат қилган, ётиб даволаганим муҳимлигини айтишди. Ўз касбининг мохир усталари бўлган профессорлар Ю. Аҳмедов, С. Алладов, бўлим бошлиғи И. Ҳасанов, даволоччи шифокорлар А. Шодиев, Н. Маматқуллов ҳамда бири-биридан чаққон ҳамширалар Ш. Бурхонова, М. Нарзуллаева, З. Минбоева каби қўли нағил тиббиёт ходимларининг қилган муолажалари туфайли бир ҳафтада дарддан фориғ бўлдим. Айниқса, жамоадаги ходимларнинг ҳшумомала, меҳрибон ва самимийлиги ҳар қандай бемор дардига малҳам бўлаётганлиги ўй ерда соғлом муҳит ҳукм сураётганлигини кўрсатиб турибди. Ана шундай қалби пок, ўз касбига содиқ тиббиёт ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Ўрал АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани.

«ОЗ» СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА
Ҳурматли муштарийлар!

Агар ўзингизни
нохуш сезсангиз
ёки фавқулодда
бирор ҳолат юз
берса (соғлигингизга дахлдор) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг Тез тиббий ёрдам станцияси ва унинг бўлимларига мурожаат қилинг.



Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, сизни қизиқтирадиган саволлар ёки муаммолар бўлса Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг масъул ходимларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

1. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори — Аъзамхўжаев Саидимин Саидмағруфович, телефон: 233-29-04. Манзил: Юнусобод тумани, Ц-4, 17-А уй.

2. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокор ўринбосари — Ерманова Эльвира Равильевна, телефон: 236-74-59.

3. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси операция бўлими бошлиғи — Махмудова Насиба Ишмурадовна, телефон: 236-73-30.

4. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта врач, телефонлар: 236-73-32, 236-73-60.

5. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта диспетчери, телефон: 233-68-54.

Шайхонтоҳур туман 1-тез тиббий ёрдам бўлими — Ипакчи кўчаси, 12-уй, телефонлар: 243-26-68, 243-07-34.

С. Раҳимов туман 2-тез тиббий ёрдам бўлими — Қора Қамиш 1/2, 15-уй, телефонлар: 248-37-29, 248-46-77.

Ҳамза туман 3-тез тиббий ёрдам бўлими — Иззат кўчаси, 7-уй, телефонлар: 297-77-79, 297-64-24.

Учтепа туман 4-тез тиббий ёрдам бўлими — 14-қават, 1-А уй, телефонлар: 275-46-99, 275-48-99.

М. Улугбек туман 5-тез тиббий ёрдам бўлими — Буюк ипак йўли кўчаси, 314-уй, телефонлар: 266-44-27, 266-44-28.

Юнусобод туман 6-тез тиббий ёрдам бўлими — Амир Темур кўчаси, 117-А уй, телефонлар: 212-43-63, 212-45-11.

Миробод туман 7-тез тиббий ёрдам бўлими — Алимбекова кўчаси, 6-уй, телефонлар: 290-70-01, 290-70-03.

Сирғали туман 8-тез тиббий ёрдам бўлими — массив Сирғали-2, 44-уй, телефонлар: 258-36-85, 258-70-76.

Чилонзор туман 9-тез тиббий ёрдам бўлими — 19-қават, 17-уй, телефонлар: 216-73-88, 216-73-89.

Яккасарой туман 10-тез тиббий ёрдам бўлими — А. Қаҳҳор кўчаси, 44-уй, телефонлар: 255-85-54, 255-06-58.

Юнусобод туман 11-тез тиббий ёрдам бўлими — Ц-4-қават, 17-А уй, телефонлар: 234-80-54, 236-72-82.

Бектемир туман 12-тез тиббий ёрдам бўлими — Водник массиви, 75-уй, телефон: 295-10-03.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази жамоаси Навоий вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош врач Шарипова Кунсулув Ишқараевнага турмуш ўртоғи

Ҳасан ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилгани шарт. Фойдаланилмаган кўлемлар тахлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга ① шартли белгиси қўйилади.

Манъиялимиз: 700060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини руйхатта
олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Алади 7585 нусха.
Буюртма Г-550.

Газета «ШАРҚ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОКОВ.
Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00.